

# ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

# ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 166 (1492), 2025 йил 15 август, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЎЗБЕКИСТОН

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 август куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Франция Республикасининг Фавқуллод ва мухтор элчиси Орелия Бушезни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари Франция элчисининг самарали фаолияти ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлашга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Бўлиб ўтган олий даражадаги ўзаро ташрифлар Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, унинг кун тартибидан аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилгани таъкидланди.

Турли даражаларда тизимли мулоқот ва фаол алоқалар йўлга қўйилган. Савдо-иқтисодий соҳада сезиларли муваффақиятларга эришилди: кейинги йилларда товар айирбошлаш 4 баробар кўпайди, Франциянинг етакчи компания ва ташкилотлари билан умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида муҳим дастурлар амалга оширилмоқда. Лувр музейи ва Араб дунёси институтиди кўргазмалар катта муваффақият билан ўтди.

Париж шаҳри яқинида Беруний ҳайкали очилди. Франция пойтахтидаги кўчага Самарқанд номи берилди. Жорий йилда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Франция университети ўз ишини бошлайди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Франция Республикасининг Фавқуллод ва мухтор элчиси Орелия Бушезга мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашга қўшган катта ҳиссаси учун “Дўстлик” орденини топширди.

Элчи хоним унинг дипломатик миссияси юксак баҳолангани ҳамда Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги кенг қўлмали ҳамкорлиқни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БИР ГУРУҲ ФАЛАСТИНЛИК ФУҚАРОЛАРГА ДАВЛАТ ҒАМХЎРЛИГИ, МЕҲР-ШАФҚАТ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА КЎМАК БЕРИШ ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Инсон ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматини улуғлаш, муҳтожларга меҳр билан ёндашиш, эзгулик ва адолат тамойилларига содиқ қолиш динимиз, маданиятимиз ва аъёнларимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Сўнгги йилларда юртимизда давлат ва жамият ўртасида инсонпарварликка асосланган муносабатларни янада мустақамлаш, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу эзгу йўналишда юртимиз ҳар қандай даврларда ўз бағрикенглиги, меҳр-шафқати ва инсонпарварлик аъёнларини намён этиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистонга олиб келинган фаластинлик фуқароларга (кейинги

ўринларда — меҳмонларга) бошпана берилиши ҳамда кўмак кўрсатилиши халқимизнинг асрлар давомида шаклланган қадриятларга содиқлиги ва давлатимизнинг ҳақиқий инсонпарварлик сиёсати амалда ифода бўлаётганидан далolat бермоқда.

Меҳмонларга адолат тамойили асосида донимий ғамхўрлик ва ижтимоий кўмак кўрсатишни таъминлайдиган механизмларни жорий этиш мақсадида **қарор қиламан:**

**I. Меҳмонлар ижтимоийлашувини таъминлаш**

1. Меҳмонлар учун қўлай шароитлар яратиш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилгани маълумот учун қабул қилинсин:

а) меҳмонларни вақтинча яшаш объектларига жойлаштириш, уларнинг бирламчи эҳтиёжлари юзасидан масалалар ҳал этилди;

б) меҳмонларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва зарур дори-дармонлар билан таъминлаш чоралари кўрилди;

в) меҳмонларнинг жамиятга интеграция қилиниши ва маънавий қўллаб-қувватланишини таъминлаш мақсадида маданий-маърифий учрашувлар ва дўстлик кечалари каби тадбирларни (шу жумладан, болалар учун) ўз ичига олувчи махсус дастурлар ташкил этилди.

**II. Меҳмонларни жамиятга интеграция қилиш ишларини жадаллаштириш**

2. Фаластинлик беморлар ва уларга

ҳамроҳлик қилувчиларни Ўзбекистон Республикасида яшашга мослаштириш жараёнига кўмаклашиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Республика комиссиясининг **асосий фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

а) меҳмонларга яратилган имкониятларни рўйбога чиқариш юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

б) меҳмонларни ҳудудлар кесимида жойлаштириш ҳамда мазкур чора-тадбирлар билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш;

► Давоми 2-бетда

## МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев  
чиқиндиларни қайта ишлашни  
кенгайтириш чора-тадбирлари бўйича  
тақдимот билан танишди.

Юрт ободлиги ва аҳоли саломатлигида катта ўрин тутадиган бу соҳага замонавий ёндашувлар олиб кирилмоқда. Охириги уч йилда барча манбалардан 2 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Ўтган йили Чикиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Чикинди корхоналари учун 1 минг 200 та янги техника олиб берилди. Маҳаллаларда чикинди майдончалари қурилди. Тўплаш ва ташиб кетиш яхшиланиши натижасида бу тармоқ иккиламчи хомашё манбаига айланди.

Авваллари давлат монополиясида бўлган соҳада тадбиркорликка йўл очилиб, қўлай бизнес муҳити яратилди. Жумладан, санитар-тозалаш ҳамда чикиндини қайта ишлаш корхоналари учун фойда солиғи ва ижтимоий солиқ ставкалари 1 фоиз этиб белгиланди. Четдан олиб келинадиган техника ва ускуналар импорт божидан озод қилинди. Натижада 200 га яқин санитар-тозалаш ва 290 та чикиндини қайта ишлаш корхоналари очилди.

Тақдимотда мутасаддилар соҳадаги лойиҳаларнинг бориши ва галдаги режалар ҳақида ахборот берди.

Юртимизда йилига 14 миллион тонна маиший чикинди ҳосил бўлади. Лекин уларни қайта ишлаш даражаси паст. Сўнгги йиллардаги лойиҳалар натижасида бу энди 5 фоизга етди.

Чикиндини ёқиш орқали энергия ишлаб чиқариш лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда. Хитойлик

инвесторлар 6 та виллоятда шундай заводлар қурапти. Давлат чикинди утилизацияси учун уларга тўлов қилиш билан бирга ҳосил бўлган энергияни сотиб олиш бўйича ҳам мажбурият оляпти.

Яқинда Тошкент шаҳрида тиббиёт чикиндисини ёқиш, иссиқлик оладиган иккита корхона ишга туширилди. Яна Самарқандда 2 та, қолган ҳудудларда биттадан шундай заводлар қурилиши мўлжалланган.

Маиший чикиндиларнинг тўртдан бири қоғоз, пластик, резина, шиша, тўқимачилик қолдиқларига тўғри келади. Уларни қайта ишлаб, 1 триллион сўмлик маҳсулот олиш мумкинлиги айтилди. Бундан ташқари, юртимизда қайта ишланмайдиган қурилиш, кимё, электрон, техник ва саноат мойлари бўйича катта захира борлиги кўрсатиб ўтилди.

Чикиндини ташиб кетиш хизматлари аҳолини рози қиладиган даражада бўлиши кераклиги таъкидланди. Шу бонс, маҳаллага чикинди техникасининг келиш вақти ва ҳаракатини онлайн кўриш имкониятини яратиш вазифаси қўйилди.

Ижтимоий муассасалар ва маҳаллаларни чикинди контейнерлари билан тўлиқ таъминлаш бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқилиши белгиланди. Аҳолида экологик маданиятни боғча ва мактабдан бошлаб шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

## ЁРУҒ ИСТИҚБОЛНИНГ ТАФАККУР ТАМАЛИ

Буюк дарёлар ўз оқимини бир асрдан  
иккинчисига, бир даврдан бошқасига олиб ўтади.  
Гоҳ соқин, гоҳ тўлкинланиб окса-да, мақсади  
ўзгармайди. Мақсад — манзилга етиш.

Миллат тарихи ҳам шунга ўхшаيدди. У ҳам ўз тарихий ўзанида, синовлар ва имкониятлар, юксалишлар ва изланишлар орасида илгарилab боради. Маънавият, илм-фан ва адабиёт оламида умри кечаётган инсон сифатида айтиши мумкинки, ҳар бир авлод ўз дарёсининг қайсидир нуқтасида турди ва унинг келажакдаги оқими учун масъул бўлади.

Бугун биз, янги Ўзбекистон халқи тарих дарёсининг нафақат янги бир қирғоғида, балки бутунлай янги ўзан қазилаётган, оқим тезлиги ва йўналиши тубдан ўзгараётган тарихий бир нуқтада турибмиз. Бу жараёнинг энг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, юраги ва

ақли эса инсон қадрини улуғлашга асосланган, таълим ва маърифатга қаратилган янгида давлат сиёсатида ўз ифодасини топмоқда.

Президентимизнинг мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорида айнан таълим соҳасидаги рақамларга — мактабгача таълим қамровининг 27 фоиздан 77 фоизга, олий таълимнинг эса 9 фоиздан 42 фоизга етганига алоҳида урғу берилиши шунчаки ютуқлар ҳисоботи эмас, балки танлаган йўлни янги ўзан қазилаётган, оқим тезлиги ва йўналиши тубдан ўзгараётган тарихий бир нуқтада турибмиз. Бу жараёнинг энг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, юраги ва

► Давоми 3-бетда

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллигига

Ватанга муҳаббат туйғуси миллат, элат танламайди ёки тилга қарамайди.  
Шу бонс, у инсон қалбининг энг олий илҳом манбаидир. Бу туйғу одамнинг бутун ҳаётини муайян мақсадга йўналтиради, амалларига маъно бағишлайди ва қалбини эзгу орзулар билан тўлдиради.

## ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ВАТАНИМ: МУҲАББАТ МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИ



Рус миллати вакили сифатида тақдиримни бағрикенг ва серқадрият Ўзбекистон билан боғлаб, унда бахтини топан инсонман. Бу замин нафақат ҳаётимга мазмун бағишлади, балки ўзимни топиш, инсон сифатида камолга етиш, халқ билан бир тану бир жон бўлиб яшаш бахтини ҳам тақдим этди.

Ўзбекистон жаҳон сахнасида миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматнинг энг ёрқин намунасидир. Бу юртда турли миллат ва элат вакиллари ўз урф-одатлари, тил ва маданиятини эркин ривожлантира олади, ўзини эркин ва бошқалар билан тенг ҳуқуқли ҳис этади. Шу сабабли бу заминда яшаш нафақат бахт, балки улуғ масъулиятдир. Чунки ҳар биримиз миллий қадриятлар ва умуминсоний фазилатлар уйғунлигига ҳисса қўшиш билан жамият раванқига хизмат қиламиз.

► Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БИР ГУРУХ ФАЛАСТИНЛИК ФУҚАРОЛАРГА  
ДАВЛАТ ҒАМХЎРЛИГИ, МЕХР-ШАФҚАТ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА КЎМАК  
БЕРИШ ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

в) меҳмонларни жамиятга интеграция қилиш билан боғлиқ масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиш ҳамда бу борадаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чоралар кўриб бориш;

г) меҳмонларни қўллаб-қувватлаш бўйича қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган тақдирларни ишлаб чиқиш, жойларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини мониторинг қилиш.

III. Меҳмонлар эҳтиёжларини аниқлаш ишларини ташкил қилиш

4. Республика комиссияси (С. Умурзаков) бир ой муддатда меҳмонлар эҳтиёжлари ва имкониятларини баҳолаш орқали уларнинг жамиятга интеграциясини таъминлаш бўйича ҳар бир оила учун зарур бўлган ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш режаларини ишлаб чиқиш, тасдиқласин.

5. Белгилансинки: а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади;

б) меҳмонлар билан маҳалла даражасида бевосита ишлар “маҳалла еттилиги” ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ташкил этилади;

в) меҳмонлар учун ишлаб чиқилган ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш режалари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда уларнинг бўлинмалари учун мажбурий ҳисобланади.

IV. Меҳмонларни ижтимоий хизмат ва ёрдам билан қамраб олиш

6. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М.Олпоёров):

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров) билан биргаликда **икки ой муддатда** ногиронлиққа олиб келувчи касалликларга чалинган меҳмонларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган даволаниш муддатидан

қатъи назар **ногиронлиқни белгилаш** чораларини кўрсин;

б) **икки ҳафта муддатда** меҳмонларга зарур **иш стажига эга бўлмаган кекса фуқароларга бериладиган нафақа тайинла-нишини** таъминласин.

7. Белгилансинки:

а) ҳар бир меҳнат ёшидаги меҳмон (I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар бундан мустасно) учун ҳар ойда минимал истеъмол харажатлари миқдоридида **яшаш нафақаси** жорий этилади;

б) меҳмонларнинг ҳар бир оиласига яшаш мазилли бўйича уй-жойнинг ижара харажат-лари қоплаб берилди;

в) меҳмонларга фарзанд туғилганда бериладиган **бир марталик нафақа** ҳамда **дафн этиш учун нафақа** тўлови Ўзбекистон Рес-публикаси фуқаролари учун белгиланган миқдорда тўланади;

г) меҳмонларнинг ҳар бир оиласига бирламчи зарурий воситалар (оилада иш-латиладиган ноозиқ-овқат маҳсулотлари тўплами) хариди учун бир марталик **кў-тарма пул** қўшимча равишда тўлаб бери-лади;

д) меҳмонларнинг оила аъзоларига шах-сий ҳамроҳлик қилиш ва индивидуал кўмак кўрсатиш, шунингдек, уларнинг эҳтиёжлари ва индивидуал талабларини рўйбга чиқариш мақсадида биттадан маҳалладаги ижтимоий ходим бириктирилади.

V. Меҳмонларнинг фарзандларини таъ-лимга жалб қилиш

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазири-ли (Э. Қаримова):

а) меҳмонлар яшаш манзиллари бўйича уларнинг фарзандларини давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга жой-лаштириш;

б) меҳмонларнинг ҳар бир фарзанди ўқув ва тарбия жараёнига мослашиши учун мактабгача таълим ташкилотлари ва мак-табларнинг директорлари ўринбосарлари-ни бириктириш;

в) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги билан биргаликда таълим ташки-лотларида меҳмонлар фарзандларининг мос-лашуви ва ҳар томонлама камол топиши юза-сидан **доимий мониторинг** амалга ошириш чораларини кўрсин.

9. Белгилансинки:

а) меҳмонлар давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловидан **2028 йил 1 январига** қадар озод этилади;

б) меҳмонларнинг фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-ларга навбатга қўйилган ҳолда, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари талабнома-си асосида жойлаштирилади;

в) Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2025 йил 17 январдаги “2025 йилда аҳо-лий бандлигини таъминлаш ва камбағаллиқни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ—12-сон қарори доирасида меҳмонлар-нинг фарзандларини давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида қўшимча таълимга (касб-хўнах, ахборот технологиялари, олий таълим ташкилотларига тайёрлаш йўнали-шида) жалб қилиш ҳамда уларни ўқитиш харажатларининг 100 фоизи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

10. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (К.Шарипов) **икки ой муддатда** меҳмонларнинг хорижий давлатда умумий ўрта махсус, касб-хўнах (профессионал), олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака оши-риш таълими олганлиги тўғрисидаги ҳужжат-ларини тан олишни тест синовларисиз ва йи-ғим ундирмаган ҳолда амалга оширсин.

VI. Меҳмонларнинг соғлиғини қўллаб-қувватлаш

11. Соғлиқни сақлаш вазирилиги (А.Худаяров):

а) меҳмонларнинг яшаш манзиллари бў-йича оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) кўп тар-моқли марказий поликлиникаларида ҳисоба-га қўйилишини таъминласин;

б) меҳмонларга Давлат бюджети маблағ-лари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатишда камбағал оилаларга мансуб шахслар тоифа-си қаторида йўланма ажратиб борсин.

VII. Меҳмонларни бандлигини таъмин-лаш

12. Камбағаллиқни қисқартириш ва банд-лик вазирилиги (Б.Захидов) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М.Олпоёров) билан бир-галикда **бир ой муддатда** меҳмонларнинг хо-ҳишига кўра уларнинг бандлигини таъмин-лаш, замонавий касб-хўнахни эгаллашига кўмаклашиш бўйича Республика комиссия-сига тақдирлар киритсин.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирилиги, Кам-бағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазири-лиги, Марказий банк, АТ “Халқ банки” ва бошқа тижорат банклари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган меҳмонларни **оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувват-лаш”, “Бизнесга биринчи қадам”** ва “**Кам-бағалликдан фаровонлик сари**” дастурлари доирасида тадбиркорликка жалб қилиш чо-раларини кўрсин. Бунда дастурлар доирасида меҳмонлар молиявий кўмаклардан фойдала-ниши учун бюртумлар қабул қилиш ва аж-ратилган маблағлардан фойдаланишни мони-торинг қилиш **ҳоким ёрдамчилари ва маҳалла банкчилари** томонидан амалга оширилади.

VIII. “Маҳалла еттилиги”нинг меҳмон-лар билан ишлашини ташкил этиш

14. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Иж-тимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ёшлар ишла-ри агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар кў-митасининг 2-иловага мувофиқ **меҳмонларни ҳамжиҳатликда маҳалланинг маънавий му-ҳитига қўшиш** бўйича “маҳалла еттилиги” ва бошқа маҳаллага қўшимча вазифаларни юк-лаш тўғрисидаги тақдирлар розилик берилсин.

15. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К.Қурбанбаев), Соғлиқни сақлаш вазири-лиги (А.Худаяров), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) ҳамда Оила ва хотин-қизлар кўмитаси (З.Махкамова) **бир ой муддатда**

“маҳалла еттилиги” ва бошқа вакилларга қў-шимча юклатилган вазифаларга асосан ички дастурларни қабул қилсин ва режа-жадвалга мувофиқ зарур чоралар кўриб борсин.

IX. Меҳмонларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш ва Фармон ижросини ташкил этиш

16. Иқтисодиёт ва молия вазирилигининг меҳмонларнинг масалаларини ҳал этиш чо-ра-тадбирларини молиялаштириш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузурида юридик шахс мақомисиз махсус жамғармани ташкил этиш тўғрисидаги тақдирлар маъқу-лансин.

17. Белгилансинки:

а) махсус жамғарма қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

(i) юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳо-мийлик хайриялари;

(ii) халқаро ташкилотларнинг грантлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

(iii) махсус жамғарманинг вақтинча бўш тур-ган маблағларини тижорат банкларида депозит-га қўйишдан олинган фойз тарзидаги даромад;

б) махсус жамғарма маблағлари меҳмон-ларнинг қуйидаги эҳтиёжларига йўналтири-лади:

(i) зарур шарт-шароитлар яратиш ва те-гишли хизматларни ташкил этиш;

(ii) турли харажатларни қоплаш ва қў-лаб-қувватлаш чораларини кўриш;

(iii) моддий ёрдам кўрсатиш ва ижти-моий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш.

18. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) махсус жамғарма маблағларини

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2025 йил 14 август

Ш. МИРЗИЁЕВ



Мария САФОНОВА,  
Мирзачўл тумани нурунийлар жамоатчилик кенгаши фаоли

“

Президентимиз таъкидлаганидек, янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий шартларидан бири миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини асраб-авайлашдир. Бу йўлда мамлакатимизнинг барча ҳудудида миллий маданият марказлари, дўстлик уйлари ва жамоатчилик кенгашлари фаолият юритаётгани эътиборга лойиқ.



Бошланиши 1-бетда

1947 йилда Қозоғистонда туғилганман. Бир неча ўн йиллар муқаддам оилам билан Ўзбекистонга кўчиб келганимиздан бери бу юрт тақдирининг ажралмас қисмига айланди. Бу ерда ҳаётнинг турли босқич-ларидан ўтдим, кийинчилик ва синовлар билан бирга юксалиш ва ютуқлар шоҳиди ҳам бўлдим. Турли масъулиятли вазифа-ларда хизмат қилиб, халқимизнинг қалби, орзу-умидлари ва ҳаёт тарзи билан яқиндан танишиш бахтига муяссар бўлдим.

Йиллар давомида орттирган тажрибам менга халққа хизмат қилишнинг чинакам моҳиятини ўргатди: инсонларга фақат ишинг билан эмас, балки юрагингдagi самимият, адолат ва бағрикенглик билан та-сир ўтказиш мумкинлигини аниглади.

Бугун нафақада бўлсам-да, ҳаётим фаол ва мазмунли давом этмоқда. Бутун умрим давомида тўплаган билим ва тажрибамни ёш авлодга сабоқ сифатида етказиш орқа-ли жамиятда бирлик, ҳамжиҳатлик ва бағ-рикенгликни мустаҳкамлашга интиланман. Чунки инсоннинг энг катта бойлиги унинг ортда қолдираётган маънавий мероси ва ке-лажак авлод учун қилган эзгу ишидир.

Ёшлигимдан жамиятдаги ҳамжиҳатлик ва бирдамлик ғояларига ишониб яшаган инсон сифатида ҳаётим тажрибамда ҳам, бугунги сиёсий воқеликларда ҳам бир ҳақиқат яққол намоён бўлди: ҳар қандай давлатнинг барқарорлиги миллатлараро тотувлик ва ўзаро ҳурматга асосланади. Шу маънода, Президентимизнинг илгари сурган фикр ва ташаббуслари жамияти-миздаги бағрикенглик маданиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Давла-тимиз раҳбарлигининг нуқталари ва амалий



УШБУ МАҚОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ  
УҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ишларида “Бир миллат — бир оила” тамо-йили чукур маъно касб этиб, ҳар бир фуқаро миллати, тили ёки этникидан қатъи назар, давлат ҳимоясида эканини аниқлайди киши.

Бу йўналишдаги ислохотлар мустаҳкам қонунчилик ва институционал асосларга таянади. Янги таҳрирдаги Конституция-мизда инсон ҳуқуқлари ва миллатлараро тенгликка оид моддалар янгича талқин қилиниши, Миллатлараро тотувлик ва бағ-рикенглик концепцияси амалиётга татбиқ этилиши, шунингдек, Миллатлараро му-носабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси фаолияти бу сиёсатнинг муҳим устуналаридир. Бу тизим давлат бошқарувида барча миллат ва элат вакилларининг тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлаб, уларнинг маданий меросини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга йў-налтирилгани билан аҳамиятли.

Президентимизнинг миллатлараро ҳам-жиҳатли ва дўстлиқни мустаҳкамлашга

қаратилган сиёсати мамлакатнинг энг олис ҳудудларида ҳам ўзининг амалий самара-сини бермоқда. Шунинг ёрқин мисолла-ридан бири сифатида Мирзачўл тумани-даги турли миллат ва элат вакилларининг ўзаро ҳамжиҳат, тинч-осойишта ҳаётини кўрсатиш мумкин. Бу ерда кўплаб миллат

вакиллари бир оила аъзоларидек яшаёт-гани, фарзандларини бир мактабда ўқи-таётгани, бир-бирининг маросимларида қатнашиб, қайгу ва шодлигида елкадош бўлаётгани юртимиздаги миллий бирлик-нинг амалдаги кўринишидир.

Туманимизда миллатлараро тотувлик ва ўзаро ҳурмат тамоийилларини мустаҳ-камлайдиган ижтимоий ва маданий лойиҳа-лар мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Масалан, маҳаллий аҳоли ташаббуси ва ҳо-кимлик кўмагида ташкил этилган “Дўстлик боғи”да ҳар бир миллатнинг миллий таоми, мусиқаси ва анъанаси намоёнли этилаётгани тадбирлар ўтказилиб, ёшлар ўртасида мада-ний алмашинувга кенг йўл очилмоқда. Шу-нингдек, қишлоқ ва маҳаллаларда қўшма спорт мусобақалари, хашар ва хайр-эхсон тадбирлари ўтказилиши орқали ҳамжиҳат-лик руҳи мустаҳкамланмоқда.

Мирзачўл туманида космосни забт эт-ган илк инсон — Юрий Гагарин хотирасига бағишланган меъморий ёдгорлик ўрнатил-ган. Бу ёдгорлик нафақат бир инсоннинг тарихий жасоратига ҳурмат ифодаси, бал-ки миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳам-корликнинг рамзи сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки Гагарин номи халқ-лар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва умуминсоний бирлик тимсоли сифатида қалбларда муҳрланган.

Тумандаги бундай ижтимоий ва мада-ний тажрибалар мамлакатимизда қарор топган барқарорлик ва миллий бирлик сиёсатининг маҳаллий даражада самара-ли амалга оширилаётганини яққол намоён этади. Бу жараён, айниқса, Президенти-миз белгиланган “Тинчлик ва тотувлик — тараққиёт гарови” тамоийилининг ҳаётий

қийматини амалда намоён қилади ва унинг юртдошларимиз ҳаётдаги амалий аҳамия-тини оширади.

Ҳар йили туман марказида турли мил-лат ва элатларнинг миллий байрамлари — Наврўз, Рождество, Синко де Майо каби турли маданият ва динларга хос қутлуг сана ва маросимлар кенг нишонланади. Бу бай-рамлар аҳоли ўртасида дўстлик ва ўзаро тушуниш туйғусини мустаҳкамлаб, миллий қадриятлар уйғунлигига хизмат қилади.

Шунингдек, туманда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурматни ривож-лантириш мақсадида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш изчил йўлга қўйилган. Жумладан, ҳар йили ўтказиладиган мил-лий таомлар фестивали катта қизиқиш уй-ғотади. Унда қозоқ миллати вакилларининг бешбармоғи, тожиклар тайёрлайдиган куру-тоб, славян ошхонасига хос боршч ва корейс кимчиси каби миллий таомлар маданий ме-росга қизиқиш ва ҳурмат туйғусини оши-ради. Фестиваль доирасида ҳар бир миллат ўзига хос миллий кийимлар, мусиқа ва рақс-лар билан туманимизнинг маданий манзари-сини янада ранг-баранг қилади.

Шу билан бирга, Мирзачўлда ёшлар ўртасида бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни тарғиб этиш мақсадида “Дўстлик спарта-киадаси” спорт мусобақалари, турли мил-лат ва элат вакилларининг мусиқа кечалари, театр томошалари ҳамда қўшиқ фестивал-лари ўтказилади. Масалан, туман маданият уйида ташкил этиладиган “Дўстлик навои-лари” кечасида ўзбек дутори, рус баяни, қозоқ дўмбираси ва тожик рубобининг бир сахнада уйғун жаранглаши халқларимиз ўртасидаги самимий яқинлик ва маданий алмашинувнинг ёрқин ифодасидир.

тасарруф этиш Республика комиссияси қаро-ри асосида амалга оширилади;

б) махсус жамғарма харажатлар йўналиш-ларида ўзгартириш киритиш Республика комис-сияси қарорига мувофиқ амалга оширилади;

в) меҳмонларга жисмоний ва юридик шахс-лар томонидан бегарз бериладиган мол-мулк-лар (уй-жой ва автомобилотранспорт) маҳаллий ҳокимликлар балансида ўтказилиб, Республика комиссияси томонидан тасарруф этилади.

19. Бош прокуратура (И. Адхамов) Иж-тимоий инспекция (Х. Қутпиддинов) билан биргаликда ушбу Фармоннинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини мунтазам равишда назорат қилиб борсин.

20. Ички ишлар вазирилиги (А. Ташпула-тов) Давлат хавфсизлик хизмати (Б. Қурба-нов), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Олпоёров), Ташқи ишлар вазирилиги (Б. Саидов) ва Адлия вазирилиги (А. Ташку-лов) билан биргаликда **бир ой муддатда** меҳмонларга яшаш гувоҳномаси (ID-карта) расмийлаштирилишини ҳамда уларнинг рўй-хатдан ўтказилишини таъминласин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини самара-ли ташкил қилишга масъул ва шахсий жавоб-гар этиб Бош вазир ўринбосари Ж. А. Кўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя бўйича маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директо-ри М.П. Олпоёров белгилансин.

22. Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаоли-тини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг стратегик ривожланиш бўйича маслаҳатчиси С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz.uz



Ватан учун, миллат учун, халқ учун!



# ЁРУҒ ИСТИҚБОЛНИНГ ТАФАККУР ТАМАЛИ



Шўҳрат СИРОЖИДДИНОВ,  
академик

Бошланиши 1-бетда

XX аср бошида миллат ойдинлари, жадид боболаримиз “Нажот — маърифатда, нажот — мактабда!” дея хитоб қилган эди. Улар миллатни асрий қолоқлик ва жаҳолатдан олиб чиқишнинг ягона йўли халқни саводли қилиш, дунёвий илмларни ўргатиш эканини чуқур англаган. Фитрат, Бехбудий, Чўлпон каби улуғларимиз бу йўлда ҳатто ўз жонини ҳам қурбон қилди. Афсуски, тарихнинг аччиқ сабоқлари, мустабид тузумнинг сиёсати бу эзгу орзуларнинг тўлиқ рўёбга чиқишига йўл қўймади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам иқтисодий қийинчиликлар, ўтиш даври мураккабликлари таълимни биринчи даражали вазифа сифатида кўришга ҳамиша ҳам имкон беравергани йўқ. Натижада жамиятда муайян маънода тафаккур турғунлиги, маънавият ўрнига моддиятга интилиш кучайди.

## Инсон капитали — миллий ғоя ўзаги

Бугунги ислохотларнинг тарихий аҳамияти шундаки, жадидларнинг ўша армонларини, орзу-умидларини янги босқичда, янги куч ва имкониятлар билан ҳаётга таъбиқ этмоқда. **Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс ғояси ўша биринчи миллий уйғониш даври ғояларининг мантиқий давоми, унинг замонавий, глобаллашув асрига мос шаклда қайта тугилишидир.**

Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш ҳақида сўз юритар эканмиз, бунинг замиридаги улкан тарихий ва цивилизацияон маънони чуқурроқ англашимиз керак. Биринчи ва Иккинчи Ренессанс давларида Мова-

Демак, бугунги таълим ислохотларининг бош мақсади шунчаки саводли одамларни эмас, балки юрт тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, мустақил фикрли, шижоатли ва маърифатли шахсларни тарбиялашдан иборат.

## Миллат биносининг пойдевори

Бу улуғвор мақсадга эришишнинг илк ва энг муҳим босқичи мактабгача таълим тизimini ислоҳ қилишдан бошлангани ўзига хос рамзий маънога эга. **77 фоиз қамров шунчаки статистика эмас, бу янги Ўзбекистоннинг келажига тикилган энг ишончли инвестиция.** Замонавий нейронфанот илм-фани ҳам инсон мияси ривожланиши, билиш қобилиятлари ва характери пойдевори айнан 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврда қўйилишини исботлаган. Бу давр инсон ҳаётидаги “олтин давр” бўлиб, ундаги йўқотишларни кейинчалик тўлдирish деярли имконсиз.

Йиллар давомида бу соҳа эътибордан четда қолгани оқибатида биз нафақат минглаб болаларнинг сифатли таълим олиш имконияти, балки жамиятнинг интеллектуал салоҳиятида ҳам улкан бўшлиқни вужудга келтирган эдик. Шаҳар ва қишлоқ болалари ўртасидаги бошланғич имкониятлар тенгсизлиги ижтимоий адолат тамойилларига зид эди. Давлат-хусусий шериклик асосида янги боғчалар қурилаётгани, улардаги таълим-тарбия дастурлари илгор хорижий методикалар асосида янгиланаётгани, тарбиячилар малакиси оширилаётгани эртага ўз мевасини бериши муқаррар.

Боғчада илк ҳисоб-китобни ўргатган, шеър ёдлаган, жамоада ўзини тутишни билган бола мактабга ҳар томонлама тайёр бўлиб боради. Бу эса бутун таълим тизими сифатини ошириш учун мустаҳкам замин яратди. Бу, образли айтганда, миллат биноси пойдеворини бетонлаш билан баробар.

## “Қалб муҳандислари” мақоми юксалмоқда

Ислохотлар ҳақида гапирганда, биз кўпинча рақамлар, фоизлар, қурилган бинолар ҳақида сўзлаймиз. Лекин бутун таълим тизимининг юраги, унинг жони ўқитувчи, муаллим, устоздир. Агар устознинг қалбида ўт бўлмаса, ўқувчининг кўзида нур акс этмайди. Агар муаллимнинг билими саёз бўлса, шогирднинг тафаккури кенгаймайди.



роуннаҳр заминидан етишиб чиққан буюк алломаларимиз ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Ўша даврларда ҳукмдорларнинг илм аҳлига ҳомийлиги, мадрасалар кўпайгани, кутубхоналарнинг бойлиги, таржима мактаблари фаолияти ва энг асосийси, жамиятда илмга, зиёга юксак эҳтиром мавжуд эди. Яъни ўша Ренессансларнинг моддий ва маънавий замини яратилганди.

Худди ўша даврлардаги каби **бутун таълим соҳасига улкан эътибор ва сармоя ҳам аслида ана шу тарихий тажрибани замонавий босқичда қайта такрорлаш, Учинчи Ренессанс учун зарур интеллектуал ва ижтимоий муҳитни шакллантиришга қаратилган улуғвор ҳаракатдир.** Бу жараённинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи эса мамлакатимиздаги инсонпарварлик сиёсати натижасида инсон капитали тушунчасининг қайта кашф этилиши ҳисобланади.

Бу атама эндиликда соф иқтисодий категория эмас, балки миллий ғоянинг ўзига айлانмоқда. Яъни инсон капитали фақатгина меҳнат бозори учун малакали кадр эмас, балки юксак маънавиятли, ватанпарвар, ўз тарихини биладиган, аждодларига муносиб, аини пайтда дунё билан очиқ мулоқотта кириша оладиган, инновацион фикрлайдиган комил инсондир.



“

**Мақсадга эришишнинг илк ва энг муҳим босқичи мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилишдан бошлангани ўзига хос рамзий маънога эга. 77 фоиз қамров шунчаки статистика эмас, бу янги Ўзбекистоннинг келажига тикилган энг ишончли инвестиция. Замонавий нейронфанот илм-фани ҳам инсон мияси ривожланиши, билиш қобилиятлари ва характери пойдевори айнан 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврда қўйилишини исботлаган.**

Энди ўқитувчи нафақат билим берувчи, балки доимий изланишдаги, янгиликларни ўрганувчи ва ҳаётга таъбиқ этувчи шахсга айланоми лозим. Шоир айтганидек, улар “қалб муҳандислари”дир. Учинчи Ренессанснинг меъморлари ҳам айнан ана шу заҳматқаш ва фидойи ўқитувчилар ҳисобланади. Уларнинг меҳнатини қадрлаш миллат келажигани қадрлаш демакдир.

## Интеллектуал маёқ

Таълим тизимининг кейинги муҳим бўғини — умумтаълим мактабларида ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Айниқса, иқтидорли болалар учун алоҳида таълим муҳитини яратишга қаратилган янги ҳаёт ёндашув диққатга сазовор. Президент, ижод ва иxtисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши — буларнинг барчаси юртимизда истеъдодларни излаб топиш ва парвариллаштириш мукамал тизими яратилаётганидан далолат беради. Бу мактаблар шунчаки элитар ўқув муассасалари эмас, бутун тизим учун “интеллектуал маёқ” вазифасини ўтамоқда.

Президент мактаблари энг илгор халқаро таълим стандартларини, STEAM ёндашувини жорий этиш бўйича локомотивга айланган бўлса, улуғларимиз номи билан аталган ижод мактаблари гуманитар тафаккурни, миллий рух ва адабиётни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу мактаблар пайдо бўлиши — маънавият ва маърифат бир-биридан айрилмас эканининг яққол исботи. Чунки фақатгина техник билимларга эга, лекин ўз тарихини, адабиётини билмайдиган авлод, муболага бўлса ҳам, манқуртга айлиб қолши мумкин.

Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек номидаги иxtисослаштирилган мактаблар эса аниқ ва табиий фанлар бўйича бўлажак олимларни, муҳандисларни, инноваторларни тайёрлайди. Бу тизим бир пайтлар собиқ совет давридаги бир хил қолипдаги мактаб моделидан бутунлай воз кечиб, ҳар бир боланинг индивидуал қобилиятини рўёбга чиқаришга йўналтирилгани билан янада аҳамиятли. Бу жараён пировард натижада бутун мактаб тизимига ўз таъсирини ўтказатиради. Илгари фақат пойтахтда ёки йирик шаҳарларда кучли ҳисобланган мактаблар концепцияси ўрнига энди ҳар бир туманда, ҳатто чекка қишлоқларда ҳам ана шундай таянч мактаблар — интеллектуал марказлар пайдо бўлмоқда. Бу эса таълимдаги тенгликни нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам таъминлашга хизмат қилади.

Ислохотлар муваффақияти фақат давлат идоралари ёки таълим муассасалари сый-ҳаракатига боғлиқ эмас. Бу умуммиллий вазифа бўлиб, унда **оила — маҳалла — мактаб** ҳамкорлиги ҳал қилувчи ўрин тутди. Маърифат оstonадан бошланади. Оилада китобга муҳаббат, билимга интилиш муҳити бўлмас экан, мактабнинг ўзи мўъжиза яратма олмайди. Фарзандининг тарбиясига, дарс тайёрлашга бефарқ бўлмаган ота-она, ўз худудидаги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳақида қайғурадиган маҳалла фаоллари — мана шулар таълим ислохотларининг чинакам таянчи ва кўмакчиси ҳисобланади.

Соҳадаги оқилона сиёсат мазмун-моҳияти ҳам жамият ва давлатнинг шу йўлдаги ҳамжиҳатлигини таъминлашга қаратилган. Бугунги кунда ота-оналарнинг таълим жараёнидаги иштирокини ошириш, маҳаллаларда зиё масканлари, кутубхоналар ташкил этиши каби ташаббуслар ана шу ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ахир ёш авлод тарбияси учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз. Бу масъулият ҳисси ҳар бир оилага, ҳар бир маҳаллага кириб боргандагина биз кўзлаган улкан мақсадларга эриша оламиз.

Яна бир муҳим жиҳат таълим мазмунидидаги туб бурилишдир. **Биз узок йиллар давомида ахборотни ёд олишга асосланган таълим моделидан жабр кўриб келдик.** Ўқувчининг хотираси тўлдирилди, лекин тафаккури ўстирилмади. Бугунги ислохотларнинг марказида эса танқидий ва креатив фикрлашни, муаммоларга мустақил ечим топишни, ахборот оқимидан кераклисини саралаб олишни ўргатиш вазифаси турибди.

Финляндия, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларнинг илгор тажрибалари ўрганилиб, миллий ўқув дастурларига таъбиқ этилаётгани бежиз эмас. Эндиги вазифа ўқувчини тайёр жавоблар билан таъминлаш эмас, балки уни тўғри саволлар қўйишга ўргатишдир. Бу, ўз навбатида, ўқитиш методикасини ҳам бутунлай ўзгартиришни тақозо этади. Ўқитувчи энди минбарда турувчи нотик эмас, балки ўқувчилар билан бирга изланувчи, уларнинг ижодий салоҳиятини очишга кўмаклашувчи мураббийга айлани-



ши керак, бу — замон талаби. Бу йўлда ўқувчиларни турли лойиҳаларга, баҳс-мунозараларга, амалий машғулотларга жалб қилиш, ташаббускорлигини рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Тафаккур эркинлиги бўлган жойдагина кашфиётлар туғилади.

Албатта, бундай кенг кўламли ўзгаришлар бир кечада ёки бир йилда юз бермайди. Бу машаққатли ва узок давом этадиган жараён. Тизимда ҳали ҳам эскича қарашлар, аксарият бюрократик тўсиқлар, жойларда ижро интизоми билан боғлиқ катта-кичик муаммолар сақланиб қолаётганини рад этиб бўлмайди. Айниқса, сифатли кадрлар етишмовчилиги, айрим олис худудлар-

даги мактаблар ва пойтахтдаги таълим даргоҳлари ўртасидаги тафовутни бартараф этиш каби вазифалар олдимизда турган жиддий қаҳриқлардан.

Лекин энг муҳими, тўғри йўл танланди, аниқ мақсадлар қўйилди ва бу йўлда сиёсий ирода номоён этилмоқда. Таълимга йўналтирилаётган маблағ йилдан йилга ортиб бораётгани, соҳа ходимларининг моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётгани ана шу ироданинг амалий ифодаси. Бу жараёнда бутун жамият, ҳар бир фуқароннинг фаол иштироки, ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан яшаши муҳим. Биз ютуқлардан эйфорияга берилмасдан, мавжуд муаммоларни очиқ тан олиб, уларни бартараф этиш йўлида биргаликда ҳаракат қилишимиз лозим. Зеро, Учинчи Ренессанс пойдевори бутун миллатнинг яқдил сый-ҳаракати билангина мустаҳкам бўлади.

Маърифатнинг энг олий меваси илм-фан ҳамда унинг амалиётга, иқтисодиётга таъбиқ этилишидир. Агар таълимдан олинган билимлар реал ҳаётда ўз аксини топмаса, улар шунчаки хотира юкига айланиб қолади.

## Олий таълимдаги инқилобий ўзгаришлар

Шу нуқтаи назардан, сўнгги йилларда таълим ислохотлари билан параллел равишда илм-фани ривожлантириш ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани жуда муҳим. Зарур тузилмалар ташкил этилиши, илмий лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми бир неча баробар оширилгани, технопарклар, стартап лойиҳалар учун яратилган имкониятлар — буларнинг барчаси таълим занжирининг мантиқий давомидир.

“Бир миллион дастурчи” каби йирик лойиҳалар ёшларни энг замонавий ва талабгир касбларга йўналтираётган бўлса, сунъий интеллект, биотехнологиялар, қайта тикланувчи энергетика каби соҳаларга

базаларга уланаётгани, ёш олимларнинг нуфузли хорижий илмий марказларга стажировкага юборилаётгани бу йўлдаги амалий қадамлар саналади.

Ва нихоят ислохотларнинг гултожи — олий таълим соҳасидаги инқилобий ўзгаришлар. Қамровнинг тўрт ярим баробар ошиб, 42 фоизга етиши янги Ўзбекистоннинг билимга асосланган иқтисодиётга ва очиқ фуқаролик жамиятга ўтиш борасида энг дадил қадамларидан бўлди. Ушлаб йиллар давомида олий таълим тор доирадаги “танланганлар” учун мўлжалланган ёпиқ тизим бўлиб келган эди. Бу эса жамиятда ижтимоий табақаланишни кучайтирар, минглаб иқтидорли ёшларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришга тўсиқ бўларди.

Қабул қюталари кескин оширилиши, янги университетлар, нуфузли хорижий олийгоҳлар филиаллари очилиши, университетларга академик ва молиявий мустақиллик берилиши олий таълим ландшафтини бутунлай ўзгартириб юборди.

Хорижий университетларнинг кириб келиши маҳаллий олийгоҳлар учун соғлом рақобат муҳитини яратди, уларни ўз дастурларини қайта кўриб чиқишга, сифат устида ишлашга мажбур қилмоқда. Берилган академик мустақиллик эса уларга меҳнат бозори талабларига тезкорлик билан мослашиш, янги ва керакли йўналишларни очиш имконини беради.

Бугунги кунда университетлар шунчаки таълим бериш билан чекланмай, жамиятнинг “ақл марказлари”га айланиши шарт бўлмоқда. Улар нафақат кадр тайёрлаш, балки худудларни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиши, ижтимоий муаммоларга илмий ечимлар таклиф қилиши, аҳолининг илмий саводхонлигини оширишда фаол иштирок этиши керак. Бу, ўз навбатида, профессор-ўқитувчилар таркибидан ҳам янгиҳа ёндашувни, яъни тор иxtисослик доирасидан чиқиб, кенг-роқ, давлат ва жамият миқёсида фикрлашни тақозо этади. Бу ўзгаришларнинг бир неча муҳим вазифани бир вақтнинг ўзида ҳал қилмоқда.

**Биринчидан**, худудларнинг малакали кадрларга эҳтиёжини қондирмоқда. **Иккинчидан**, ёшлар орасида ишсизликни камайтиришга ва уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. **Учинчидан**, мамлакатда соғлом рақобатга асосланган интеллектуал муҳитни шакллантирмоқда. **Тўртинчидан ва энг муҳими**, жамиятда зиёлар қатламини кенгайтирмоқда. Зиёлилари кўп миллат эса ҳеч қачон адашмайди, ўз йўлидан ошимайди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун биз буюк ўзгаришларнинг нафақат шоҳиди, балки иштирокчисмиз. Бугун экилаётган маърифат уруғлари эртага, 10-15 йилдан сўнг Учинчи Ренессанс мевалари бўлиб униб чиқишига ишончим комил.

Истиқболимизнинг ўттиз тўрт йиллиги арафасида туриб, мен мамлакатимизнинг энг катта бойлиги ер ости бойликлари эмас, балки ана шу — янгиҳа фикрлаётган, кўзлари ёниб турган, илмга чанқоқ авлод эканига яна бир бор амин бўлялман. Бу авлод дунёдаги тенгдошлари билан ҳар қандай соҳада бемалол рақобат қила оладиган, аини пайтда ўзлигини, миллий қиёфасини, она тилини ва буюк тарихини унутмайдиган авлод бўлиб камол топади. Чунки бугунги ислохотларнинг туб моҳиятида Шарқ донишмандлиги ва Ғарб технологияларининг синтези, миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлиги ётибди.

Бу эса бизни нафақат иқтисодий жиҳатдан қудратли, балки маънавий жиҳатдан ҳам бутун бир давлатга айлантиради. Бу янги Ўзбекистон танлаган ва уни буюк келажак сари етаклайдиган энг тўғри, энг машаққатли, энг шарафли йўлдир.

Хар қандай жамиятнинг барқарор ривожланиши, фуқароларнинг эртанги кунга ишончи ва давлатга ҳурмат-эътибори, аввало, очик, адолатли ва шаффоф иқтисодий муносабатлар тизимига таянади. Мазкур тизимда хар бир шахс ва тадбиркор даромадларини қонуний тарзда ошкор қилиши, солиқ мажбуриятларини вақтида ва тўлиқ адо этиши керак бўлади. Давлат эса тўпланган маблағлар ҳисобидан жамиятнинг фаровонлиги учун муҳим инфратузилмаларни яратади, таълим, тиббиёт, ижтимоий хизматлар ва бошқа соҳаларни молиялаштиради.

Бирок ушбу мувоzanат бузилса, яъни иқтисодиётнинг муайян қисми давлат назоратидан ташқарида бўлса, яширин иқтисодиёт юзага келади. Яширин иқтисодиёт жамиятдаги ишонч инқирозининг яққол ифодасидир. У қонун устуворлигига ва давлатнинг адолатли бошқарувиغا ишонч пасайиши натижасида шаклланадиган ноқонуний иқтисодий фаолият шаклидир. Агар жамиятда одамлар қонунларга амал қилиш ўрнига уларни айрилиб ўтишни маъқул кўрса, бу ҳолат нафақат иқтисодий, балки ахлоқий ва маданий таназзулнинг ҳам аломати сифатида намоён бўлади.

Яширин иқтисодиёт давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигига жиддий таҳдид солади. У нафақат давлат бюджетига тушумларни камайтиради, балки адолатли рақобат муҳитини бузади, тадбиркорликни сояга тортади, коррупция ва маъмурий тўсиқларни кучайтиради.

Бугунги кунда дунёда деярли бирор давлат йўқки, яширин иқтисодиёт муаммосидан холи бўлса. Ҳатто тараққий этган мамлакатлар бу иллатга қарши қатъий чоралар кўрмоқда. Шу жумладан, юртимизда сўнгги йилларда яширин иқтисодиётга қарши курашиш, унинг илдиэларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ишланипти. Жорий йилнинг 12 август кунли давлатимиз раҳбари ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида яширин иқтисодиётга қарши кураш тизимини такомиллаштиришга онд тақрирлар тақдимоти билан танишди. Тақдимот давомида ушбу муаммони бартараф этиш бўйича бажариладиган ишлар, режалар ва устувор вазифалар муҳоама қилинди.

Сўнгги йилларда юртимизда бизнес муҳитини яхшилаш, ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлар фаолиятига давлат аралашувини қисқартириш борасида муҳим қадамлар ташланди. Илгари бизнес соҳасидаги юқори даражадаги назорат ва босимлар сабаб кўплаб тадбиркорлар фаолиятини ошқора юритишдан кўрқарди. Бу эса яширин иқтисодиёт кенгайишига, норасмий пул айланмаси ўсishiга олиб келарди.

Бирок сўнгги йилларда солиқ тизимидаги изоҳлотлар бу борадаги вазиятни ўзгартирди. Масалан, солиқ турлари сони 13 тадан 9 тага камайтирилди, 100 дан ортиқ турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. Шунингдек, солиқ юки камайтирилиб, тадбиркорлар учун қулай ва шаффоф шароитлар яратилди. Натижада 2019 йилда 45-50 фоизни ташкил этган кузатилмаётган иқтисодиёт улуши 35 фоизгача қисқарди.

Албатта, бу кўрсаткични етарли деб бўлмади. Бу соҳадаги изоҳлотларни янада чуқурлаштириш, жамиятда солиқ тўлаш маданиятини шакллантириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлатга ишончини мустаҳкамлаш орқали яширин иқтисодиётга қарши курашни кучайтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

## Ҳисобсиз фойда, жавобсиз зарар

Расмий иқтисодиёт давлат назоратида бўлиб, унда иқтисодий фаолият расмий рўйхатга олинади, солиқлар тўланади ва тегишли статистика органларига маълумотлар тақдим этилади. Бундай иқтисодиёт давлатнинг солиқ базасини таъминлайди, ижтимоий сиёсат юритилишига асос яратади ва иқтисодий ўсишнинг барқарор манбаига айланади.

Норасмий иқтисодиёт эса, аксинча, давлат назорати ва расмий статистикадан четда қолган иқтисодий фаолиятларнинг ўз ичига олади. У кўп ҳолларда солиқ тўлашдан қочиш, қонуний талабларни четлаб ўтиш ёки ортиқча маъмурий назоратдан қутулиш мақсадида яширин бўлади. Бу эса мамлакат иқтисодиёти учун жиддий хатарлар келтириб чиқаради.

## Хушхабар

Одатда шахар, туман ёки қишлоқларда ўрнатилган чироқлар одамларнинг тунги ҳаракати, хавфсизлиги ва қулайлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Аммо сўнгги йилларда рақамли технологиялар тараққиёти тўғайли бундай оддий кўринадиган ёруғлик манбалари бутунлай янги мақсадда фойдаланилмоқда. Яъни улар орқали шахар ва ҳудудларнинг иқтисодий фаоллиги баҳоланмоқда. Сунъий йўлдошлар томонидан қайд этиладиган тунги ёруғлик маълумотлари дунё бўйлаб геоиқтисодий таҳлилларнинг муҳим қисмига айланди.

Бугунги кунда кўплаб ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсиш сурьатларини мониторинг қилиш, ҳудудлар ўртасидаги номунаносибликларни аниқлаш ва бартараф этиш, инфратузилмани режалаштириш ҳамда ҳудудий ривожланишни стратегик бошқа-

Норасмий иқтисодиёт турли кўринишда намоён бўлиши мумкин. Масалан, назоратсиз иқтисодиётда фаолият одатда кичик кўламдаги хизмат кўрсатиш, савдо ва вақтинча меҳнат билан боғлиқ бўлади. Уйма-уй юриб маҳсулот сотувчи ёки рўйхатда турмаган қосиблар фаолияти шулар жумласидан. Бу фаолият тури аҳолига муайян даражада фойда келтириши мумкин бўлса-да, у ҳам солиқ базасини камайтиради ва ҳуқуқий тартибга солинмаган бўлади.

Яширин иқтисодиётда эса тадбиркорлар ва иқтисодий субъектлар фаолиятининг муайян қисмини қасддан яширади. Солиқларни тўламаслик, ҳодимларни расмий рўйхатга олмаслик, фойдани камайтириб кўрсатиш каби ҳолатлар бюджет тушумларини камайтиради. Бу эса адолатли рақобат муҳитига путур етказида, иқтисодий тенгсизлиكنи келтириб чиқаради.

Криминал иқтисодиёт энг хавфли кўриниш бўлиб, у ноқонуний фаолиятлар — одам савдоси, гиёҳвандлик моддалари айланмаси, қиморбозлик, қора бозордаги савдолар ва бошқа жиноий даромад манбаларини ўз ичига олади. Бу фақат иқтисодий эмас, балки ижтимоий хавф-хатарларни ҳам кучайтиради.

Дунё тажрибаси кўрсатадики, ривожланган давлатларда яширин иқтисодиётнинг улуши нисбатан паст — тахминан 10-12 фоиз атрофида. Бу, аввало, улардаги солиқ тизими самарасизлиги, фуқаролардаги юксак солиқ маданияти, шаффоф бошқарув ва коррупцияга қарши қатъий сиёсат самарасидир.

“**Солиқ турлари сони 13 тадан 9 тага камайтирилди, 100 дан ортиқ турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. Шунингдек, солиқ юки камайтирилиб, тадбиркорлар учун қулай ва шаффоф шароитлар яратилди. Натижада 2019 йилда 45-50 фоизни ташкил этган кузатилмаётган иқтисодиёт улуши 35 фоизгача қисқарди.**”

Аксинча, заиф ривожланаётган айрим мамлакатларда яширин иқтисодиёт улуши 60-70 фоизгача етиши мумкин. Бу эса давлат иқтисодиётининг катта қисми давлат назоратидан четда эканини англатади. Бундай ҳолатда коррупция, маъмурий тўсиқлар, солиқ тизими самарасизлиги ва ҳуқуқий механизмлар заифлиги асосий омиллар сифатида қайд этилади.

Яширин иқтисодиёт шаклланишига таъсир етувчи асосий омиллардан бири солиқ юкидир. Солиқ ставкаси юқори бўлган мамлакатларда агар тизим адолатли бўлмаса, тадбиркорлар қонуний йўл билан ишлашдан кўра норасмий йўлни танлашга мойил бўлади. Шу билан бирга, фақат солиқлар миқдори баланглиги эмас, балки солиқ сиёсатининг адолатли, барқарор ва тушунарли бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Адолатли ва шаффоф солиқ тизимида ҳатто солиқ юки нисбатан юқори бўлган тақдирда ҳам фуқаролар унга ишониб, ўз мажбуриятларини бажаради. Акс ҳолда, тизимдаги бўшқилқар ва назоратсизлик солиқдан қочиш ҳолатларини кучайтиради, бу яширин иқтисодиёт кенгайишига олиб келади.

## Солиқ маданияти — иқтисодий барқарорлик пойдевори

Ривожланган давлатларда аҳоли топган даромадларининг катта қисми солиқ тариқасида давлат бюджетига тушади. Шунга қарамай, бу мамлакатларда яширин иқтисодиёт улуши жуда паст даражада сақланиб қолмоқда. Бу шундан далолат берадики, солиқ юкининг оғир ёки енгиллиги яширин иқтисодиёт кенгайишига бевосита таъсир қилмайди.

НИГОХ

yuz.uz\_news

yuz.uz

Таҳлил

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШ

ВИЖДОН ИШИГА АЙЛАНСИН

ЁХУД ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИШ КЕРАК

# СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШ ВИЖДОН ИШИГА АЙЛАНСИН ЁХУД ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИШ КЕРАК

Солиқдан қочиш имкониятлари чекланган ва давлат билан жамият ўртасида ишонч мустаҳкам бўлган жойда солиқ тўлаш маданияти юксак бўлади. Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, яширин иқтисодиётнинг тахминан 30 фоизи солиқ тизимидаги камчиликлар тўғайли келиб чиқса, қолган катта қисми айнан солиқ маданияти етишмаслиги билан боғлиқ.

### Солиқ ундириш маданияти

Солиқ маданиятининг иккинчи жиҳати солиқ ундириш маданиятидир. Бу фақат техник жараён эмас, балки фуқаро ва давлат ўртасидаги ишонч ифодаси. Афсуски, кўпчилик фуқаролар ва тадбиркорлар тўлаётган солиқларнинг қаерга сарфланишини билмайди ва безътиборлик ёки ҳатто солиқдан қочишга уриниш қабиларга олиб келади.

Ҳар бир солиқ тўловчи тўлаётган маблағ жамиятнинг қайси соҳаларига йўналитириладиганини билиши керак. Давлат бюджети шаффоф бўлса, солиқ тушумлари таълим, тиббиёт, йўлсозлик, ижтимоий муҳофаза каби хизматларга сарфланаётгани ҳақида аниқ маълумот бериб бориlsa, фуқароларда давлатга ишонч ортса, солиқ тўлаш истаги ҳам кучаяди.

### Солиқ тўлаш маданияти

Солиқ маданиятининг учинчи, энг муҳим йўналиши солиқ тўлаш маданиятидир. Кўпчиликда “мен солиқ тўласам, нима ўзгаради?” деган савол туғилади. Лекин ҳақиқат шуки, ҳар қандай ўзгариш, аввало, инсоннинг ўзиндан бошланади. Агар ҳар бир фуқаро солиқни вақтида ва тўлиқ тўласа, яширин иқтисодиёт камаяди, давлат бюджетига тушум ошади. Натижада таълим, тиббиёт, ижтимоий



хизматлар, инфратузилма ривожланади ва бу барча учун фойдалидир.

Унутмаслик керакики, солиқ тўлаш фақат мажбурият эмас, балки маданият масаласи ҳамдир. Маданият эса тарбиядан бошланади. Болалигидан солиқ тўлашнинг аҳамиятини тушуниб улғайган авлод келажақда уни

тариф этилди. Аммо муаммонинг асосий илдиэлари ҳали ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Ижтимоий адолат бузилишига яна бир яққол мисол тадбиркорлар ўртасидаги солиқ юкининг нотенг тақсимланишидир. Масалан, ҳар қандай товар ёки хизматнинг нархи муайян солиқ ва йиғимларни ўз ичига олади.

Айталик, бир донa мобил телефоннинг нархи 1 миллион сўм бўлса, шундан тахминан 400 минг сўми турли солиқ ва йиғимларга тўғри келади. Энди тасаввур қилинг: агар бир тадбиркор ушбу солиқларни тўламай, телефонни 600 минг сўмга сотса, у рақобатда устунликка эга бўлади. Аммо барча қонунларга амал қилиб, солиқ тўлаётган тадбиркор харидор йўқотди, зарар кўради. Натижада адолатсиз тизим шаклланади — қонунга амал қилган жазоланади, қонунни бузган эса муқофотланади.

Ижтимоий адолат нуқтаи назаридан яна бир муҳим жиҳат жамиятда ҳар бир фуқаронинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши зарурлигидир. Солиқ тўлаётган ва тўламайдиган шахслар давлат томонидан яратилаётган ижтимоий хизматлардан бир хил фойдаланади. Мактаб, шифохона, йўллар, хавфсизлик, коммунал инфратузилма — буларнинг барчаси асосан солиқлар ҳисоби-га молиялаштирилади. Агар кимдир солиқ тўламай туриб, шунчаки бу хизматлардан фойдаланаётган бўлса, демак, бошқа бир фуқаронинг меҳнати ва бурчи орқали ашяепти. Бу эса жамиятда “биров тўлаб, бошқа биров фойдаланади” деган адолатсиз тизимни қувватлайди.

## Тенгликдан четда қолган солиқ юклари

Давлат институтлари жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашда ҳал қилувчи ўрин тутарди. Қонун устуворлиги, суд-ҳуқуқ тизимининг адолатли ишлаши, барча фуқаролар ва тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратилиши барқарор иқтисодий муҳит пойдеворидир. Ҳусусан, давлат хизматлари рақамлаштирилиши инсон омилини камайтиради, тизимли шаффофлиқни таъминлайди ва коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади. Чунки коррупция ва бюрократия яширин иқтисодиётнинг асосий озиқлантирувчи манбаи саналади.

Яширин иқтисодиётга қарши курашишда меҳнат бозорини тартибга солиш, пул ўтказмалари тизимини самарали ташкил этиш, электрон ҳисоб-китобино жорий қилиш, фуқаролар ва тадбиркорлар учун қулай ва адолатли солиқ муҳитини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, барча жараёнларни автоматлаштириш, солиқ ҳисоботларини электронлаштириш шаффофлик ва назоратни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Яширин иқтисодиётга қарши самарали курашнинг учун ягона, аниқ ва барқарор давлат стратегияси талаб этилади. Бу стратегия солиқ қонунчилигини соддалаштириш ва барча учун тушунарли қилишни назарда тутарди. Солиқдан қочиш ва яширин даромадларини аниқлаш бўйича самарали механизмлар жорий этилиши, қонунбузарликларга нисбатан қатъий жазолар белгиланиши ва уларнинг сўзсиз ижроси таъминланиши лозим. Шу билан бирга, давлат ва жамият ўртасида ишонч муҳитини шакллантириш, солиқ тўловчиларга маслаҳатлар бериш, уларнинг муаммоларини тезкор ҳал қилиш учун маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятини такомиллаштириш зарур.

Солиқ маданиятини ошириш мақсадида таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий лойиҳалар орқали кенг тарғибот ишлари талаб этилади. Қонуний тадбиркорликни рағбатлантириш, маъмурий тўсиқларни қисқартириш, янги иш ўрнилари яратиш ва кичик ҳамад ушбу бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали солиқ базасини кенгайтириш мумкин. Шунингдек, халқаро тажрибани ўрганиш ва рақамли идентификация ҳамда автоматлаштирилган назорат тизимларини жорий этиш каби замонавий ёндашувлар ушбу жараёнда катта самара беради.

Энг муҳими, ҳар биримиз яширин иқтисодиёт нафақат иқтисодий ўсишни секинлаштириши, балки жамиятда адолат, тенглик ва ишонч муҳитини йўққа чиқаришини тушунишимиз керак.

Яширин иқтисодиёт қисқариши орқали давлат бюджети даромадлари ошади, ижтимоий хизматлар сифати ва қамрови яхшиланади, коррупция ва қонунбузарликлар камаяди ҳамда адолатли рақобат муҳити шаклланади. Натижада солиқ тизимида ишонч ортгани сари янги инвестициялар жалб этилади, иқтисодий ўсиш сурьатлари тезлашади ва жамиятнинг умумий фаровонлиги таъминланади.

Демак, яширин иқтисодиётга қарши кураш нафақат ҳозирги куннинг долзарб вазифаси, балки мамлакатнинг эртанги куни учун асосий стратегик йўналишидир.

## Сардор ТОЛИБОВЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири


# ИЛК МАРТА КОСМОС ОРҚАЛИ ГЕОИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК БАҲОЛАНДИ

ришда ушбу илгор методология имкониятларидан фойдаланмоқда.

Ўзбекистонда ҳам бу соҳада муҳим қадам қўйилди. Иқтисодий тадқиқотлар ва изоҳлотлар маркази илк бор NASAнинг тунги ёруғлик (NTL) маълумотларидан фойдаланган ҳолда юртимизнинг шахар ва вилоятлари бўйича иқтисодий фаоллиқни чуқур таҳлил қилди. Ушбу таҳлил сунъий интеллект технологиялари асосида амалга оширилиб, ҳудудий ривожланиш ҳолатини янги, мустақил ва тезкор усулда баҳолаш имконини берди.

Олинган натижалар сунъий йўлдош маълумотлари ва расмий статистика ўртасидаги юқори даражадаги мослиқни намоён этди. Ҳусусан, NTL маълумотларига кўра, 2020-2024 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 63,5 фоиз ўсиб, 2011 доллардан 3287 долларга етган. Бу кўрсаткич расмий манбаларда қайд этилган 59,4 фоизли ўсиш билан деярли тўғри келади.

Энг катта ўсиш Тошкент шаҳрида кузатилди — сўнгги беш йилда пойтахтда жон



бошига тўғри келадиган ЯИМ 3,2 минг долларга ошиб, 7,2 минг долларга етган. Пойтахтимизнинг Миробод, Яксарой ва Юнусобод каби марказий туманларида ушбу кўрсаткич 9 минг доллардан ошган, бу мамлакат бўйича

ўртача даражадан қарийб икки баробар юқори демакдир.

2024 йилда юқори иқтисодий фаоллик қайд этилган шахарлар қаторига Навоий (8,3 минг доллар), Зарафшон (6,8 минг

доллар), Самарқанд (5,7 минг доллар), Қўқон (5,6 минг доллар), Андижон (5,1 минг доллар), Янгийўл (5 минг доллар) ва Қарши (4,8 минг доллар) каби марказлар кирарди. Шунингдек, Термиз, Урганч, Марғилон, Каттақўрғон ва Чирчиқ каби ўрта катталиқдаги шахарларда ҳам иқтисодий фаоллик юқори даражада қайд этилди.

Бу кўрсаткичлар ушбу ҳудудларда sanoat, инфратузилма ва хизматлар секторидagi ўсиш билан боғлиқ.

Таҳлил жараёнида нафақат иқтисодий фаоллик, балки урбанизация даражаси ҳам баҳоланди. 2020-2024 йиллар оралиғида тунги ёруғлик даражаси 10 ёки undan юқори бўлган шахар агломерациялари сони 21 тадан 26 тагача ортган бўлса, кам ёруғликка эга қишлоқ туманлари сони 129 тадан

102 тагача қисқарган. Бу эса 27 та туманда шахар типидagi ривожланиш бошланганини кўрсатади.

Бундай геокосмик таҳлиллар Вьетнам, Индонезия, Грузия ва Озарбайжон каби мамлакатларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Улар орқали ҳудудий инвестиция сиёсатини шакллантириш, инфратузилмавий эҳтиёжларни аниқлаш ва ресурсларни самарали тақсимлаш имкони пайдо бўлмоқда. Ўзбекистонда эса сўнгги йиллардаги изоҳлотлар — тадбиркорликни рағбатлантириш, ҳудудий инфратузилмани яхшилаш орқали иқтисодий номунаносибликлар босқичма-босқич камайиб бормоқда.

Сунъий йўлдош маълумотлари бу жараёни объектив ва тизимли равишда кузатишга хизмат қилмоқда. Бундай ёндашув давлат ҳудудий сиёсати, инфратузилмавий лойиҳаларни режалаштириш ва инвестицияларни жалб қилишда самарадорликни оширишнинг муҳим воситасига айланмоқда. Шу жиҳатдан қаралганда, тунги ёруғлик маълумотларини таҳлил қилиш нафақат иқтисодий баҳолашнинг ноанъанавий усули, балки барқарор ва мувоzanатли ўсишни таъминловчи янги стратегик восита сифатида юксалаётгани шубҳасиз.

## Сардор ШУХРАТ ўғли, журналист



Инсон қадри учун

# ТИББИЁТДАГИ ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ҲАМ НАМОЁН

Навоийлик Сирож Рўзиев узоқ йиллардан буён суяк-сон ва бўғим касалликларига қарши курашиб келади. Дори-дармон харажати, қолаверса, гоҳ пойтахт, гоҳ Самарқанд шаҳридаги шиfoxоналарга мунтазам қатнаш машаққати уни анча хоритган. Бир Сирож эмас, вилоятдаги анча-мунча одам травматология ва ортопедия бўйича сифатли муолажа олиш учун юртимизнинг турли ҳудудига боришга мажбур эди.

Яқинда Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиали очилгани бу каби сарсонгарчиликларга чек қўйди.

— Ўн уч ёшимда суяк касаллигига чалинганман, — дейди Сирож Рўзиев. — Суякларим мўрғилли учун 4 йилда оёғим 8 марта синган. Жуда кўп ҳудудлардаги шиfoxоналарга қатнадим. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази вилоят филиали очилиши биз каби беморларга анча қулайлик бўлди. Пойтахтдан ҳам профессорлар ва мутахассислар келди. Оёғимда жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Ҳозир соғлиғим яхши томонга ўзгара бошлади.

Тиббиёт соҳасидаги ютуқлардан кенг фойдаланиш аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, травматология ва ортопедия йўналишида кўрсатилаётган хизматлар инсонларнинг ҳаёти ва меҳнат қobiliятини сақлаб қолишда катта ўрин тутаяди.

Филиал очилишида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази етакчи мутахассислари ва соҳа бўйича профессорлар ҳам иштирок этиб, беморларга зарур тавсиялар берди. Шунингдек, маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

— Травматологик ва ортопедик касалликларни даволаш бўйича Навоий вилоятида ҳам қатор ишлар қилинган эди. Бироқ айрим жараёнлар чуқур таҳлил ва аниқлик талаб этади. Бунинг учун юқори технология, замонавий тиббий ускуналар зарур. Ушбу филиал мазкур талабларга жавоб берадиган зарур тиббий ускуналар билан таъминланди, моддий-техник базаси тубдан янгиланди, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Искандар Хўжанов. — Қолаверса, вилоятда ушбу йўналишдаги шиfoxоналар тарқок эди. Энди улар филиалда бирлаштирилди. Айни вақтда бу ерда рақамлаштириш бўйича ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Шунингдек, марказдаги мутахассислар билан онлайн маслаҳатлашув, яъни телемедицина йўлга қўйилиб, ҳар ҳафта амалга ошириломоқда. Бу ишлар тез орада ижобий таъсирини кўрсатади. Филиал очилиши вилоят тиббиётидаги катта ютуқлардан бири бўлди. У 60 ўринга эга бўлиб,

аҳоли учун вақт ва маблаг тежаш имконини беради. Муҳими, тегишли йўналишларда янада тезкор ва самарали даволаниш учун зарур шароит яратилди.

Янги Ўзбекистон тиббиёти инновацион, юқори технологик, халқаро стандартларга жавоб берадиган тизимга айланмоқда. Соҳа мутлақо янгича ёндашувлар асосида трансформация қилинаётгани, илгор даволаш ва диагностика усуллари, инновацион технологиялар кенг татбиқ этилаётгани натижасида малакали тиббий хизмат энг олис ва чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли хонадонларигача кириб борапти.

— Тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, — дейди Навоий вилояти соғлиқ сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурали Сафоев. — Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Вилоятимизда ўтган икки йилда 27 та оилавий шиfoxор пункт, 2 та оилавий поликлиника ҳамда 116 та маҳалла тиббиёт пункти фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 300 мингдан зиёд кишига тиббий хизмат яқинлаштирилди. Ушбу муассасаларда 2298 шиfoxор, 13 минг 655 ўрта тиббиёт ходими ва зарурий йўналишларда 7311 ходим фаолият юритади. Уларнинг 8 нафари фан доктори, 572 нафари олий, 322 нафари биринчи ва

286 нафари иккинчи тоифали шиfoxорлардир. Шунингдек, вилоятдаги Навбахор, Хатирчи туманлари ва Зарафшон шаҳрида туманлараро 3 та перинатал марказ тўлиқ таъмирланди. Бундан ташқари, Қизилтепа ва Хатирчи туманларида ўткир юрак-қон томир ва қўшма шикастланиш марказлари ишга туширилди.

Республика миқёсида бажариладиган юқори технологик жарроҳлик амалиётилари вилоят, туман даражасига туширилгани натижасида бугун вилоятда 160 та шундай турдаги операция ўтказилиши йўлга қўйилди. Охириги саккиз йилдаги ислохотлар туфайли



республика ихтисослаштирилган марказларида амалга оширилаётган даволаш ва диагностика амалиётининг ўртача 90 фоизи вилоят муассасаларида ўтказилди. 2025 йилда ушбу кўрсаткични 98 фоизга етказиш режалаштирилган.



Эндокрин касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва олдини олиш ҳамда асоратларини камайтириш жуда муҳим. Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий филиали айни шу йўналишда фаолият юритади. Бу ердаги замонавий тиббий ускуналар қалқонсимон без касалликлари, қандли диабет ва унинг асоратлари, қолаверса, хасталиклари эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволаш имконини беради.

Ушбу филиалда хорижнинг етакчи клиникалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши



натижасида жорий йилнинг ўзида юзлаб жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтказилди. Асосийси, амалиётдан чиққан беморларнинг аҳоли анча яхши ва шиfoxорлар назоратида зарур муолажаларни олмоқда.

— Ушбу йўналишда жарроҳлик амалиёти авваллари пойтахтда ёки хорижда ўтказилар эди, — дейди эндокринолог жарроҳ Истам Душанов. — Ҳозир бу каби мураккаб жараёнларнинг 90-95 фоизи филиалимизда ўтказилмоқда. Шунингдек, амалиётнинг 30-40 фоизи шаҳар ва туманлардаги тиббиёт муассасаларида бажарилмоқда. Бунинг учун филиалимиз ва ҳудудлардаги муассасалар ҳам зарур тиббиёт ускуналари билан таъминланган. Жорий йилда филиалимизга таъдил ва таъхис учун янги ва замонавий аппаратлар олиб келинди. Бу вилоятимиз тиббиётида ҳам катта янгиллик бўлди деб баҳолаш мумкин. Натижада хасталикни эрта аниқлаш, олдини олиш ва барвақт муолажа қилиш имкони яратилди.

Шиfoxорлар инсон хаста бўлмасдан аввал, ҳеч бўлмаса, бир йилда бир марта тиббий кўрикдан ўтиши кўп касалликларнинг олдини олишда муҳим дея таъкидлайди. Айниқса, онкологик хасталиклари барвақт аниқлашда ҳам бу каби тиббий кўриклар жуда зарур. Бунинг учун вилоятда скрининг текширувлари йўлга қўйилган. Агар бу турдаги касалликлар

аниқланса, муолажа учун кимё терапияси, нур терапияси, иммунитет терапияси каби бир қанча усуллардан фойдаланилмоқда.

Кейинги йилларда бу йўналиш бутунлай трансформация қилинди. Соҳанинг моддий-техник базаси янгиланиб, кадрлар салоҳияти оширилмоқда. Айрим ҳолларда беморлар “Онкологик касалликларни фақат хориждагина даволаш мумкин”, дея нотўғри ўйлайди. Оқибатда кўпгина оворагарчиликлардан сўнг хасталикнинг 3-4-босқичида маҳаллий мута-



хассисларга муружаат қилишади. Жанубий Корея, Туркия, Германия каби давлатларда малака ошириб келган онкологлар аслида онкологик касалликни даволаш стандарти ҳамма жойда бир хил эканини таъкидлайди. Бу муолажа усулиридан Навоий вилоятида ҳам самарали фойдаланилмоқда.

— Ўтган йили бир гуруҳ мутахассисимиз хорижда малака ошириб қайтди, — дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти маркази бошлиғи Рустамжон Ҳамроев. — Ушбу тажриба алмашиш жараёни натижасида мутахассисларимиз марказимизда янги текширув усуллари йўлга қўйди. Шунингдек, аҳоли орасида касалликни барвақт аниқлаш учун вилоятимизда тизимли ишлар қилинмоқда. Шаҳар ва туманлардаги муассасаларда онкоскрининг текширувлари учун зарур шароит ва имкониятлар яратилган, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган.

Онкологик касалликлар ҳеч қандай симптомларсиз, бирорта белгиларсиз вужудга келиши, оқибатда уларни аниқлаш имкони жудаям қийинлашиши барчани сергаккача чорлаш зарур. Касаллик қанча кеч аниқланса, даволаш имконияти ҳам анча пасаяди. Онкологик касалликларга қанча тез ташхис

қўйилиб, эрта аниқланса, уларга қарши курашиш шунча осонлашади. Шу боис, вилоятда аҳоли ўртасида тиббий кўриклар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ёш авлоднинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол бўлиб шаклланишини таъминлаш ҳар бир давлат ва жамият олдида турган асосий вазифалардан. Навоий вилоятида ҳам болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, улар орасида ногиронлик кўрсаткичини кескин камайтириш, илгор муолажа турларини жорий этиш, шиfoxорларнинг касбий маҳорати ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

— Марказимизда маслаҳат-диагностика поликлиникаси ҳамда даволоччи ва ёрдамчи бўлимлар мавжуд, — дейди Навоий вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шиfoxори ўринбосари Асқар Аслонов. — Муассасамиз қўшни вилоятларга ҳам 24 йўналишда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ҳозир турли огир хасталикларга чалинган жажжи беморларда кўплаб турдаги мураккаб жарроҳлик амалиёти шу ернинг ўзида бажарилапти. Пойтахтдаги ва хорижлик мутахассислар билан тажриба алмашиш учун ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бир гуруҳ мутахассисимиз хорижда малака ошириб қайтди. Бу эса, ўз навбатида, болаларга кўрсатилаётган юқори технология ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўлами ва сифатини оширмоқда.

Бугун соҳани замон талабларига мос ривожлантириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва халқни рози қилишни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Бунинг учун эса малакали мутахассислар тайёрлаш зарур. Навоий вилоятида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Биргина 2024 йилнинг ўзида маҳаллий 305 мутахассиснинг чет элдан нубузли клиника ва университетларда узоқ муддатли малака ошириши таъминланди.

“**Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Навоий вилояти филиалида ҳам бу борада самарали ишлар қилинди. 2024 йилда 8000 дан ортиқ ҳамшира қайта тайёрланиб, уларга малака тоифаси берилди.**

— Айни вақтда филиалимизда ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш жараёнида назарий билимлар бериш билан бирга амалиётга жалб қилиш учун барча имконият яратилган, — дейди Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Навоий вилояти филиали директори ўринбосари Жавлонбек Бердиқуллов. — Филиалимиз 600 ўринли бўлиб, ўқув жараёни учун барча зарур тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Шунингдек, ҳамшираларни амалиётда синаб кўриш учун симуляцион марказлар ташкил этилган. Ушбу марказлар жаҳон стандартларига мос замонавий техника ва мулклар билан таъминланган. Шунингдек, хорижий давлатлар мутахассислари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, филиал ўқитувчилари томонидан замонавий ўқув дастурлари ишлаб чиқилган.

Бугун 130 турдан зиёд жарроҳлик амалиётини вилоят шиfoxоналарида, 60 турини эса шаҳар ва туманлардаги тиббиёт муассасаларида ўтказиш йўлга қўйилган соҳадаги кенг қўламли ишларнинг амалий ифодасидир. “Инсон қадри учун” тамойилига йўғрилган ислохот ва ташаббуслардан кўзланган мақсад ҳам шу, аслида.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Янги Ўзбекистон ёшлари



# ЎРОЛБЕК ОРТГА ҚАЙТМАДИ

## ВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛДИ

Ғалабага ишонч бор эди. Чунки ҳамюртимизнинг мақсади фақат чемпионлик эмас, балки Ўзбекистон номини яна бир бор дунёга танитиш, улуғлаш эди! Бу юмушни ёш шахматчи аъло даражада уддалади.



ларимизнинг қатор халқаро мусобақаларда эришяётган ютуқлари, ғалабалари юртимизда шахмат ўйини ривожланишининг юқори босқичида эканини тасдиқлайди.

— Ота-онаси Ўролбекни шахмат тўғрагида олиб келганида уйи узоқдалиги, қатнаш қийинлиги туфайли дастлаб бола тўғракага қабул қилинмаган. Кейин онаси уни ёнига етказиб келди. “Бир қobiliятини текширинг, келажакига ишонмасангиз, унда, майли, кетамиз”, деди. Истеъдодли боланинг шахмат доналарини уч марта суришини кўрибқоқ жомаога олганмиз.

Бошқаларга ҳам айтмоқчи бўлганим шунки, истеъдодлимиё, чекинманг, — дейди Сурхондарё вилояти шахмат федерацияси ижроки директори Набижон Норбоев. — Мамлакатимизда шахматни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва оммавий спорт турига айлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал ва маданий ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, юқори иқтидорга эга ёшларни саралаш ҳамда профессионал шахматчи ва халқаро гротсмейстерлар қилиб тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази раҳбари Нигина Муродова.

Мамлакатимизда шахматни оммавий спорт турига айлантириш, интеллектуал ва маданий ривожланиш учун барча шарт-шароит яратилапти. Хусусан, Президентимизнинг “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, “Мақтабда шахмат” лойиҳасини амалга ошириш, бошланғич синфларда шахмат ўқитиш тизимини кенгайтириш, турнирлар ташкил этиш, шахматга қизқишни ошириш ва имконияти чекланган шахматчиларни қўллаб-қувватлаш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Ёшларнинг ҳар томонлама билими, етуқ салоҳияти бўлишида малакали устоз-мураббийларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, юртимизда ўқитувчиларнинг билими ва малакасини ошириш доимий эътиборда. Улар учун зарур шарт-шароитлар ҳозирланиб, қўллаб энгиллик ва имтиёзлар берилмоқда. Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумотига кўра, вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларида бугун 50 мингдан зиёд ўқитувчи фаолият юритмоқда. Уларнинг 42 мингта олий маълумотли, 8,2 мингта ўрта махсус маълумотли. 2021 йилга нисбатан воҳида муаллимлар сони 6,6 минг кишига ошган. Сурхондарёда мактаблар сони ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда. Замонавий шароитларга эга таълим муассасалари қад қўтараяпти. Ўтган 4 йилда 61 та янги мактаб қўрилиб, фойдаланишга топширилди. Вилоятдаги умумий ўрта таълим ташкилотлари сони 995 тага етди. Шу кунларда барча мактабда янги ўқув йилига тайёрларлик жадал суришда давом этмоқда. Мактабларни зарурий таъмирлаш ва обodonлаштириш ишлари бажарилиб, синфхоналар янги ўқув йилига мослаб жиҳозланмоқда. Зотан, бундай шарт-шароит мамлакат донгини дунёга танитадиган илм-маърифатли авлодин тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

**Сарвар ТўРАЕВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Сайёра ТҶҲИЧЕВА,  
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, профессор

Она Ватан, она эл, она тупроқ деймиз, Дилимизга хуш ёқадиган, тилимизга бол берадиган бу ширин сўзлар уйимиз тинч, оиламиз фаровон, маҳалламиз осойишта, овулу кентимиз хотиржам бўлсагина татийди, кўнглимиз-га ёқади.

Дунёнинг қай бурчагида қорни нонга тўймаётган, тўйиб сув ичмаётган болалар қанча! Жигаргўшаларини киргинбаротдан ҳимоя қилолмай яшаётган ота-оналар қанча! Фақат тинч, хотиржам юртга, осойишта элга байрам ярашади, кўнглига шеър, қўшиқ сиғади.

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида водий бўйлаб Умуммиллий бирдамлик фестивалига старт берилди.

### Фарғонада байрам шодийнаси

Қўқон вокзали. Меҳмонларга истиқлол йилларидаги бунёдкорлик ишлари ва элнинг фидойий инсонлари фахр билан таништирилди. Маҳаллалар ва оилалар ободлигидан бошлангандан баракаю файз ҳақида сўзлаб берилди.

Сафардошимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси, тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Мавруловнинг қуйидаги сўзлари қўқонликлар кўнглига байрам тароватини олиб кирди: “Хушликнинг, озодликнинг она юрт ривож ва тараққиётидаги ўрни беқисс. Зотан, янги Ўзбекистон ислохотларининг самаралари одамлар онгида, тафаккурда янгила дунёқарашни кашф этаётгани сир эмас. Умуммиллий бирдамлик фестивали истиқлол шуқуҳини, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик фазилатларини тарғиб этмоқда. Зиялилар бирлашиб, миллий руҳият ва миллий қадриятларни улуглар эканмиз, юртдошларимиз кўнглида янги Ўзбекистон ислохотларига камарбасталик ҳисси ошаверади, Ватанамиз қудратли, юртимиз фаровон бўлади”.

Ҳа, халқимиз “Тафаккур ўзгарса, жамият ўзгаради”, деб бекорга айтмаган. Жамиятнинг кейинги саккиз йилда ижтимоий-сиёсий манзараси ўзгариб бораётганини юртдошларимизнинг шуқронасида кўриш мумкин.

Фарғона — улуг олимлар, уста санъаткорлар, таниқли адиблар юрти. Уларнинг ижодиёти Ўзбекистон илм-фани, адабиёти ва санъатида катта мактаб вазиёсини ўтаган. Атоқли адабиётшунос олим Азиз Қаюмов Навоий Ҳазратлари сатрларидаги самимийлик, неқбонлик, шуқроналик ва доғимандлик фазилатлари ҳақида гапирган. Машҳур санъаткорлар — Наби Раҳимовнинг Зако ота образидидаги теран талқинлари, Берта Давидо-



ваннинг дилбар қўшиқлари, Тамабахонимнинг бетақор рақслари, Юсуфхон қизик Шакаржоннинг ичакудзи хангомалари бор. Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Анвар Обиджон, Энахон Сиддиқова, Икбол Мирзо сатрларидаги фарғонача бағрикенглик санъат ва адабиёт аҳлининг ҳайратини оширгани бор гап.

Инсон ҳаётида яхши кунлар, тантаналар кўп, аммо бир байрам борки, кўнглингга тоғ қадар ифтихор, хузур, сўзларингга оҳор беради. Бу байрам Ватаннинг мустақиллик куни, эзгулик ва яхшилик айёми, дўсту биродарлар билан яйраб-яшнаб кутиб олинадиган санадир.



Учқўприк туманидаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда туман маданият марказида учрашувлар бўлиб ўтди. Устозлардан Давлатмурод Сотволдиев, Абдуманнон Исоқов, Умиджон Қозоқов, Анваржон Собиров, Умиджон Зиёдов, Рухшона Жумақўзиёваннинг ижодий ютуқлари ҳақидаги фахрли сўзларни тинглади. “Тановар” ашула ва рақс ансамбли, “Хангома” халқ кулги театри санъаткорларининг ижраларини томоша қилдик.

“Мўътабар аёл” кўқрак нишонини соҳиба-си, “Оқила аёллар” ҳаракати тарғибот гуруҳи аъзоси Раънохон Эргашева мустақиллик йилларида оила ва никоҳ масалалари бўйича қилаётган тарбиявий ишлари ҳақида мароқ билан сўзлайди: “Менинг уч фарзандим, ўн набирам, олти чеварам бор. Турмуш ўртоғим билан бирга уларни олий маълумотли қилдик. Набираларимдан бири ўқитувчи, бири тадбиркор, бири шифокор, бири муҳандис, қолган бешови талаба. Магистр набира қизларимнинг тўлов-шартнома пулини давлат тўлаб бермоқда. Ҳунарманд фарзандларим эса тайёрлаган махсулотини хориқга сотмоқда. Бугунги маърифий тадбир кўнглимга бир завқ берди. Қайси юртда яшаётганим, болаларим ёнимда экани ва ҳар бир кунимда эл-юртга нафим тегаетгани мен учун, оддий аёл учун катта бахтир”.

Водийнинг беназир санъаткорлари Маъмуржон Узоқов, Муроджон Аҳмедов, Раҳима Мазоҳидова, Жўраҳон Султоновнинг хониши фарғоналиклар тилидан тушмайди.

Уста санъаткор Тавваккал Қодиров асли Фарғонадан. Қизи Каримахон опа Қуванинг Қақир қишлоғига келин бўлиб тушган. Турмуш ўртоғи Усмонжон ака билан уч ўғлини ўстириб, элга қўшди, уч невар, тўрт чеварани катта қилмоқда.

Опанинг хонадонига қирқарканмиз, 100 йиллик тутнинг соясидаги анвойи қўшлар, томорқадаги нок, олма, ўрик, шафтолининг шигил ҳосил солган новдаларига кўзимиз тушди. Гарқ пишган помидор, бодиринг, қалампир сингари резаворларнинг ям-яшил қаторларига, ҳар хил кўкат, райхону ўсма,

хинагача қатор терилган экинзорни кўриб ҳавас қилдик. Ўғиллари ва келинлари билан қатор сўритоклардаги қизариб пишаётган дона-дона узумдан тортиб, томорқадаги олчаю олхўри, беҳио хилма-хил узум навларига қизикдик. Инсон меҳнати, гайрати бир хонадонда ажойиб боғу гулистон барпо этганига ишонгимиз келмасди.

— Отам бетақор санъаткор Тавваккал Қодиров ва онам Рисолатхон биз, етти фарзандни меҳнатга ўргатган. Сигиру бузоқни, қўй-қўзини, боғу ишқомни, томорқани гулла-тиб меҳнат қилишга болалигимдан ўрганганман. Оилада беш ўғил, икки қизимиз. Отамиз машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг шогирди эди. Устози Фарғонага келса, ҳаммаша бошига кўтаргудек эъзозлар, шогирдларига эса ҳар бир қўшиқнинг матнιο савиясига эътибор беришни ўргатарди. Ҳовлида озодлик, дастурхонда мазали таом бўлиши, зийк доим очик туриши биз учун тарбия мактаби вазиёсини ўтаган. Қизиги шундаки, отам мактабда олган баҳоларимизни алоҳида текшираб, ўқиган китобларимизни бирма-бир суриштираб эди. Мактабга нимаики ёрдам бериш лозим бўлса, сўзсиз ҳал қиларди. Энг муҳими, “Одамларга қандай муносабатда бўлсанг, ўшандай муносабат қайтади. Нимаики яхши-ёмон тадбиринг боландан қайтади, болангнинг тарбиясига эҳтиёт бўлгин”, деб тайинларди. Онам Рисолатхон ая учун отамнинг ҳар бир гапи қонун эди. Биз кўрган тарбия болаларимиз ҳаётида давом этаётгани шундан, — дейди Каримахон опа. — Ўтган асрининг етмишинчи йиллари биз бола эдик. Далада машинада кетаётсак, бир юк уловидида қиз-йигитлар пахта чопиғига кетаётган экан. Улар ҳайдовчининг ёнида ўтирган дадамни таниб, бараварига олқишлаб қарсак чалди. Дадам юк машинасини олдинга ўтказиб, биз ўтирган уловни тўхтатди. “Қизим, торни ол”, деди. Ҳайдовчи доирани олди. Дадам машинанинг устига чиқиб “Ўхшайди-ку” билан



“Доғман”ни қўйлади. Ҳамма севинчдан яйраб, рақсга тушганди. Яна бир кун келин олиб, фотиха тўйи ўтказган қўшимиси иссиқ қатламга олиб кирди. Дадам “Наҳорда қирган ризқ бошқача бўлади, тўй қачон?” деб сўради. Қўшимиси “Тўй қузда, қовун пишганда бўлади. Эккан қовунимнинг даромадига тўй қиламан”, деди. Дадам қўли калта оила бу йил тўй қилолмаслигини сезиб, бир ярим ойда бор ҳаражатини ҳал қилиб, тўйни ўтказиб берди. Онам Мариюладан келин сарполларини тайёрлаб келди. Биласизми, маком, бахшичилик, хунармандчилик фестиваларида отамнинг қўшиқлари янграса, яйраб кетаман.

Фарғонанинг Батдод, Бувайда, Учқўприк, Қўқон, Фарғона туманларидаги Умуммиллий бирдамлик фестивали доирасидаги дийдор учрашувлари Қўқоннинг “Ёшлар боғи”, Фарғона шаҳрининг Еко ситү амфитеатри саҳналаридаги гала концертларга улашиб кетди. Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова, Ўзбекистон халқ ҳофиз Илҳом Иброҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Турғун Бекназаров, Қиличбек Тожиев, таниқли хонадалар Эркин Худойқўлов, Билал Исоқов минглаб фарғоналикларга байрам табригини изҳор этди.

### Азми улуг Андижон

Ҳазрат Бобур юртида бошланган фестивал шуқуҳи “Инсон қадри”, “Бахтли болалик шарафига”, “Фаровон ҳаётга илк қадам”, “Китоб марафонини”, “Дилдаги гаплар” лойиҳалари баробарида ижодкор-зиёлиларнинг халқ билан дийдорлашувида айланди.



“Шижоат” лойиҳасига кўра, тадбир Андижондаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтди. Ҳарбий техника кўргазмасини томоша қилаётган, хизматчилар учун яратилган шарт-шароит билан танишаётган йигитларнинг порлаган кўзига қараб, суҳбатига қулоқ тутиб, Ватан посбони деган шарафли ишга дилдан тайёрланаётганини сезиш қийин эмас.

Андижонлик дилбар шоира Хуршида Ваҳожон қизи “Дунё садолари” халқаро фестивалига ҳозирлик қўраётган Хонобод ва хонободликларни завқ билан таърифлайди.

билан анвойи гуллар қўчатини кўпайтириб, боғ, гулзорлар барпо этди. Бир парча ерни ҳам бўш қолдирмай, сабзавот эқди, унгангани болаларининг озғига тутди. Азалдан айтилган “Хунарли инсон хор бўлмас” деган пурмаъно ҳикмат меҳнаткаш онанинг ҳаёт йўли ҳақида айтилгандек гўё.

— Пахтабод туманининг Қирғизистон билан чегарадош Шомат маҳалласи йўли асфальт билан қопланди. Энди набираларим мактабга лой ва чанг оралаб эмас, текис ва раvon йўлдан боради, — дейди маҳалла оқсоқоли Раҳматжон ота Маматов.

Избоскан, Балиқчи, Шаҳрихон, Марҳамат, Жалақудуқ ва Асақада ўтган учрашувлар ҳақиқий байрамга, халқ сайилларига улашиб кетди. Шаҳарнинг Алишер Навоий истироҳат боғида ўтган гала концертда ўзбек, қозоқ, қирғиз, арман, уйғур миллати вакилларининг қўшиқлари янгради. Пойтахт санъаткорлари билан андижонлик санъат аҳли биргаликда қўшиқлар қўйлади.

Андижонликлар Муҳаммад Юсуфдек оташнафас шоирини, Муножат Йўлчиева, Озодбек Назарбековдек таниқли санъаткорларини фахрланиб тилга олади.

— Юртимизда янги услубдаги мактаблар тизими жорий этилди. Юнус Ражабий номидидаги миллий маком, Ботир Зокиров номидидаги миллий эстрада институти фаолият бошлади, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гўлбаҳор Эрқулова. — Андижон аҳлини ва биз, санъаткорларни хурсанд қилган янгилик — Президентимизнинг Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев хотирасини абадийлаштириш ва ижодий мактаби аъёнларини муносиб давом эттиришга одд қарори ўзбек санъати тарихида катта воқеа бўлди. Зотан, Андижон итхиссолаштирилган санъат мактаби неғизиди Шерали Жўраев номидидаги санъат олий мактаби ташкил этилиши, унда устоз санъаткорнинг ижодий йўналиши ва фаолияти бўйича илмий-ижодий лаборатория фаолияти йўлга қўйилиши ноёб истеъдод эгасига қўйилган муаззам ҳайкалга ўхшайди.

### Ниятлари ёруғ Наманган

Фестивалнинг навбатдаги бекати Наманганнинг Чортоқ, Косонсой, Норин, Учқўргон, Уйчи, Янгиқўргон, Поп, Тўрақўргон, Давлат-обод туманларига кўчди. Аҳли Наманганнинг Машираб Бобур ғазалларидан, Камолитдин Раҳимов, Ҳайба Охунова хонишларидан айтганлари санъатсевар, ғазалхон халқнинг юрак ихзорларидек янгради.

Атоқли шоир Зиёуддин Мансур “Бизни, наманганликларни нафақат табиат, балки эътибор билан қаралаётган, парваризиш топаётган табиат, юртдошларимизнинг пешона тери, қалб қўри билан яшнаётган, тубдан ўзгараётган борлик, тобора кўркам тус олаётган мамлакат ҳам тубдан ўзгариб юборди. Атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, жонажон дийримишни, азиз Ўзбекистонимизни

тараққий эттириш, энг муҳими, одамларни рози қилиш борасида катта ишлар қилин-пти”, деди.

Шоирнинг бу мушоҳадаси мустақиллиқни ўз тақдирда, ҳаёт йўлида кўрган зиёли инсоннинг қалб кечинмасидир.

Косонсой туманининг Навбахор маҳалласида яшовчи, “Дўстлик” ордени соҳиби Аҳмадхон Эшонхўжаевнинг оиласи бутун Наманган аҳлига намуна. Отахоннинг 11 набираси турли фан олимпиадалари ғолиби, қатор хорижий тиллар билимдони. Муҳими, Аҳмадхон аканинг мутлолаа ва китобхонлик борасидаги маърифатли фаолияти косонсойликларнинг эътиборига сазовор. Унинг тўй ва бошқа маросимларни ихчам, камчиқим ўтказиш, ажралашларини олдини олиш борасидаги тавсияларини маҳалладошлари қўллаб-қувватлади. “Аҳил элнинг файзи, тотув оиланинг дастурхони ҳавас қиларли бўлади. Келинни “қизим”, кўёвини “ўғлим” деган оила пароканда билан қилиб, Меҳр билан шуқрининг қадрини билган одам элда қадрли бўлади, — дейди Аҳмадхон ота. — Уйнинг тинчлиги маҳаллага, маҳалланинг тинчлиги туманга файз беради. Тинч ва осойишта жойда барака бўлади, болам. Ҳаёт шуниси билан гўзал”.

Ўзбекининг шундай пиру бадавлат, илму ҳикматли отахонлари бор бўлсин!

Ғанижон Ҳожиқиматов ва Нодирбаегим Иноятовани Ўстада танимаган одам йўқ. Тўрт фарзандни воёта етказиб, эл юкига камарбаста қилиб тарбиялаган бу икки зиёли давлатимизнинг қатор ордену медалларига сазовор бўлган. Улар ҳаётнинг барча синовини бошдан кечиргани, ҳунари ва илми билан элда обрў топганини маҳалладошлари гапириб берди. Набиралари қатор хорижий олийоҳларнинг беш-олтитагига бир вақтининг ўзида талабалikka қабул қилинган, қўллаб хорижий грантларга эгаллик ҳуқуқини қўлга қиритгани ҳар бир ота-онанинг орсундир. Ғанижон ота билан Нодирбаегим аянинг нузли юзига қараб, “Болангиздан топган бахтингизнинг роҳатини кўринг, азиятларинг”, дегим келди.

Ҳазрат Бехбудийнинг “Ҳақ берилмас, олинур” деган оташин хитоби бор. Юрт мустақиллиги йўлида қатор йиллар меҳнат қилган, Наманган аҳлининг ҳурматиға сазовор бўлган Акмал ака Икромов самимий, билимдон, мулоҳазаси теран, дунёқараш кенг инсон. У адабиёт, санъат, тарих, фалсафани кенг мушоҳада билан тушунади. Мардлиги, илтифоти, тарозининг палласини тенг кўядиган ҳаётий ҳулосалари унча-мунча олимни шошириб қўяди.

— Сизларнинг Давлатободдаги “Янги Ўзбекистон” боғида айтганган шеър қўшиқларингиз наманганликларга хушқайфият беради, ишига унум, кўнглига завқ ата этади. Юртнинг истиқлол байрамиға нима етсин! Уч фарзандим эл хизматига. Ўғилларинг тадбиркорлиқни, қизим эса ўқитувчиликни танлади. Бир оила бўлиб мева-сабзавотни сақлаш, қайта ишлаш, сархил турларини кўпайтириш билан шуғулланилмиз. Наманганнинг узуми, ноки, олмаси, шафтолию беғиллари етти иқлимга машҳур. Тинимсиз меҳнат эвазига уларни кўпайтириш, селекциялаш, қўшни давлатлар дастурхонига етказиш борасида катта мақсадларни мўлжаллаямиз. Россиялик тадбиркорлар билан қум-цемент каби қурилиш материалларини қайта ишлаш, қирғизистонлик тадбиркорлар билан дарвоза, сўрилар ясаш, металл буюмларни қайта ишлаш, темир буюмлар ўймакорлиги, миллий мебеллар ишлаб чиқариш, ёш хунармандларни касбга тайёрлаш борасида янги ишлар бошладик, — дейди Акмал Икромов. — “Мустақиллик бизга нима берди?” деган савол бор. Мана шу саволга бундай жавоб бергим келади. Илгари оддий сандиқча солинадиган иборатнинг эскизини Москвада 27 кишидан наборат бадий кенгашдан ўтказиб, кейин ясардик ва бозорга чиқарардик. У ердаги 27 кишининг бирортаси Ўзбекистонни умрида кўрмаган, миллий нақшларни, миллий махсулотларни қардан билди? Вақт ва масофа ишчимизни орқага тортгандан тортган эди. Ҳозир-чи? Хунармандларимиз ясаган махсулотлар дунё бозорини беэамоқда.

Ҳамсуҳбатимнинг ҳулосасини тинглаб, ҳаёлимга бундай ҳикмати сатрлар келди: ким ҳақида кўпчилик яхши гапирса, у халқ севган инсондир...



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланади.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.  
34930 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев  
Мусахҳис: Аслиддин Абдурақов  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 00:00 Топширилди — 00:00